

ИШОНҒАН ТОҒИМИЗ ЭДИ...

«Мен ўлганим улыб бўлганман. Суратим одам, холос. Менга қайгурманглар, йигламанглар ҳам, қариндошларим!.. Онамдан қандай тугилган бўлсам, шундай кетаман. Биргина гуноҳим, шу дунёга келганим, холос. Яхшиямки, аканг бор, болатарим...»

(Онамиз Сокинабибининг сўнгги сўзидан)

Акам Ёрмат Тожиёв ўз соҳасининг зукко билимдони эдилар. Балки акамдан ҳам тилшунослик илмини яхши биладиганлар бордир. Бироқ, акам ўзбек тилшунослигининг фидойиси эди. Фидойилигини шундан билиш мумкинки, саксондан ошган бўлсалар-да ҳеч тиним билмасди. Соғликлари билан иши бўлмасди, кекса ёшдалигига қарамай, Ўзбекистон Миллий университети, Қишлоқ хўжалик университети, Гулистон Давлат университети, Тошкент Маданият ва санъат институти ва бошқа олийгоҳларда тиним билмай, бўлажак мутахассисларга сабоқ берарди. Ёшларга билим бериш учун ҳеч нарса акамга тўсқинлик қила олмасди. Ана шундай ўз касбига, тил илмига садоқатли, фидойи инсон эдилар.

«Худо раҳматли» дейишга ҳозиргача тилим бормайди. Хаёлимда худди дарсга кетганлару фурсат ўтмай, қайтиб келадигандай туюлаверади. Ҳовлига келсам, очик юз билан: «Ха, бормисан, яхши келдингми?» — дея кутиб олаётганларидаги сиймолари куз олдимдан ўтаверади...

Одамзоднинг қулидан ҳеч нарса келмас экан. Нима ҳам қила олардик, «Аллохнинг иродаси» дейишдан бошқасига ярамаймиз. Иложимиз қанча? Ишқилиб, Аллохнинг ўзи охиратларини обод қилсин. Яхши одам эдилар.

Аллоҳ яхши инсоннинг жонини енгил олади дейишади, ун-ун беш дақиқа оралигида жони узилди. Охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин!

Дилбархон келинойим ҳам исмларига монанд жуда очикқўнгил, ута меҳрибон, меҳнаткаш, хушхулқ ва хушфеъл аёл эдилар. Икковларини ҳам охиратлари обод бўлсин!

Акамнинг ҳам, келинойим – Дилбар опамнинг ҳам дунёқарашлари бир-бирларига жуда яқин, бир-бирларига ярашиб тушар эди. Ахир бекорга, «Ўхшатмасдан-учратмас» дейишмайди-да!

Худди икковлари кариндош-уруғларига, биродару, яқинларига яхшилик тилаш, силаи раҳм қилишда мусобақа уйнаётгандек туюларди, назаримда. Акам ҳам, келинойим ҳам бир-бирларидан рози бўлиб кетдилар...

Дилбар келинойим акамга: «Ўзингиз олим бўлинг. Фарзандларингиз сиздан ҳам олимроқ бўлсин дея ҳар доим дуога қўл очардилар. Акам ҳам келинойимга: «Ҳали қурасан, фарзандларимиз бутун дунёни кезишали», – дер эдилар.

Ота-она фарзанди келажаги учун астойдил жон қўйдирса, дуо қилса, бу дуолар ижобат бўлиши, яхши ниятлар амалга ошиши шубҳасиз экан...

Демокчи бўлганим: ҳар бир ота-она фарзандлари келажаги учун жон қўйтса, ҳамиша дуода бўлса уларнинг ниятлари ижобат, яхши ниятларининг ҳосиласи ҳам қутлуг буларкан, Иншааллоҳ!

1968 йили ТошДУ-ҳозирги ЎзМУга ўқишга киришим учун ҳужжатларимни топшираётганимда сўровномага, «Отам-Тожимат Холматов – саводсиз, колхозчи-деҳқон, онам – Сокина Холматова саводсиз, уй бекаси», деб ёзар эканман, юракларим зирқираб кетганди. Бу ҳолат ҳали ҳанузгача эсимдан чикмайди.

Яширишга ҳожат йўқ, акам туфайли оиламизда ака-укалар ўқиб, олий маълумотли бўлдик. Биримиз юрист, биримиз тарихчи, яна биримиз филолог бўлиб етишдик. Акамнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жуда кўп ёшлар тил ва адабиёт илми-ни эгаллади. Шогирдларининг эса сон-саногии йўқ. Ҳаммага бирдек яхшилик улашишни хуш кўрардилар...

Акам улимидан икки кун аввал кишлогимиздан етишиб чиккан адабиётчи олим, фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов вафот этганди.

Ҳамқишлоқлар йигилишиб, акам бошчилигида Умарали аканинг ҳовлисига фотиҳага бордик. Кейинги кун акам билан бирга эрталаб бориб, бирор соат утириб қайтдик. Шу кун кечқурун кишлоққа борадиган машина бўлиб қолди. Машинада бўш ўрин борлиги сабабли жиянларим мени ҳам олиб кетишди. Кишлоққа бориб укамникига – ота ҳовлига тушдик. Эрталаб чой-пой ичиб бўлгач, ўтганларни ёд этиб, ота-онамиз, қариндошларни зиёрат қилиш учун мазорга бордик. Зиёрат қилиб бўлгач, яна укамникига қайтдик. Ош дамланган экан, уни едик, бироз чой-пой ичиб ака-ука, опа-сингиллар билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Бир пайт Тошкентдан акамнинг катта ўғли Улугбек менга кўнгирок қилиб қолди. «Ҳа, тинчликми?» – десам, «Дадамларнинг мазаси қочиб қолди, касалхонага олиб кетяпмиз», – деди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас «Оғирлашиб қолдилар!» – деди. Биз саросимага тушиб қолдик. Яна беш-ўн дақиқа ўтар-ўтмас, «Дадамни топшириб қўйдик!» – деб турибди-да!...

Дарров ака-укалар, опа-сингиллар билан Тошкентга жунадик. Ҳеч-қут соат оралиғида акамнинг хонадонига етиб келдик. Акам худди ухлагандай ётибдилар...

Акам Ёрмат Тожиев ўзбек тилининг буюк даргаларидан бўлмиш Ғанижон Абдурахмонов, Аюб Ғуломов, Азим Ҳожиёв сингари академиклар, Миразиз Миртожиев, Шавкат Раҳматуллаев, Иристой Қўчқортёев, Эрнст Бегматов, Ҳамиджон Неъматов каби филология фанлари докторлари, профессорлардан сира қолишмасди. У ўз касбини беҳад яхши кўрарди. Ўзбек тилшунослигининг барча сарҳадлари-ю жабҳаларини яхши ўзлаштирган зукко тилшунос олим эди. «Ўзбек тилининг грамматикаси», «Фонетика»си, «Морфемика»си, «Лексикология»си, «Стилистика»си, «Нутқ маданияти», «Диалектология»си ва бошқа соҳаларини ниҳоятда теран билар, ҳар

қандай талаба ёки шоғирларининг истаган саволларига меъсрига етказиб жавоб берар ва йўл-йўрик кўрсата оларди. Шу билан бирга, адабиётдан ҳам бебаҳра эмасди. «Халқ оғзаки ижоди» дейсизми, наср ёки назм дейсизми, ҳаммасилан хабардор эди. Бунга сабаб Озод Шарофутдинов, Бегали Қосимов, Умарали Норматов, Омонулла Мадаев сингари донишмандлар билан доимо бирга, бирнафас, ҳамфикр, бир сафда турганликлари акамга туганмас куч бағишлаган бўлса керак, деб уйлайман.

Биз ўқиган пайтларимизда ўзбек тили сўзлигини бойитиб, халқ ижодиётини ўрганиш бўйича ётқи амалиёт бўларди. Биз буни курс якунида Фарғона водийси ҳамда қўшни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари, Ўзган шаҳрига икки ойлик амалиётни ўташ учун борганмиз.

Умарали Норматов, Карим Назаров, Омонулла Мадаев ва Ёрмат Тожиев каби олимлар раҳбарлигида биз талабалар шева сўзлари, халқ оғзаки ижоди намуналари, атамалар, айгишувлар, халқ ўйинлари, халқнинг урф-одатлари билан боглиқ чексиз намуналар, топишмоқлар, мақоллар, «Ёр-ёрлар», маталлар йиғиб келардик. Улар бўлғуси олимлар, янги талабалар учун беқиёс маъба, бебаҳо хазина ролини ўтарди.

Айниқса, бўлғуси тилшунослар учун чексиз имкониятлар эшигини очарди. Битирувчилар учун якуний диплом ишлари режасини янгилашда асқотарди. Негадир ўша ижодий амалиётлар йўқ бўлиб кетди. Афсусланганимнинг сабаби шуки, ҳар йили амалиёт жараёнида — ўзбек тилининг сўз бойлиги (шевага оид сўзлар билан) ортиши билан бирга жуда кўп адабиёт ва халқ оғзаки ижодига оид чексиз янгидан янги материаллар йиғилардики, улар келғуси бўлажак филологлар учун битмас-туганмас, бутунлай янги — қутилмаган, худди «тандирдан эндигина чиққан нондек» бўларди-қўзимизни, қорнимизни, онгу-тилимизни адабиётимизни, фольклоримизни тўйдирарди.

Ахир ирмоқлар қуриса, дарё қурийди, дарёлар қуриса —

Орол ҳам, океан ҳам қурийди-да. Узоққа боришга ҳожат йук. Кўз унгимизда Орол денгизининг қуришини ўз кўзимиз билан кўрмадикми?..

Демокчиманки, ана шундай тадбирлар давом этиб турганида, ҳар йили ўзбек тили лугати ҳеч бўлмаганида 50-60 минг сўз ёки иборалар билан бойиган бўлмасмиди? «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» ҳеч бўлмаганда, юз мингдан ортиқ сўз билан бойимасмиди? Адабиёт, фольклоримиз янгидан-янги халқ оғзаки ижоди намуналари билан беқиёс даражада бойиган бўлмасмиди? Шу ўринда Ёрмат Тожиевни уйлантирган баъзи бир фикрларни ҳам айтиб ўтишим жоиз: «Ўзувимиз қиска фурсатда 3-4 марта ўзгарди. Ҳеч бир мамлакатнинг имлоси-ёзуви бунчалик ўзгармаган. Бизнинг имломиз калта тўшакка ўхшаб қолган. Бир томонга тортсанг, иккинчи томонни очилиб қолаверади. Оёққа тортсанг, бош очилиб қолади. Ёзувни ҳадеб алмаштиравериш яхшиликка олиб келмайди», дердилар.

Яна бир гаплари: «Давлат тили тугрисида»ги Қонунимиз ниҳоятда мукаммал, пухта ўйланган, қўллаш учун қулай, шунингдек, кучли мақомга эга бўлмоғи шарт. Чунки, миллатнинг кўзи, виждони, миллатни миллат қиладиган бош белгиси унинг тилидир. Тил бор-миллат бор, тил йук-миллат ҳам йук!.... «Тил номуси – миллат номуси», деган гаплар ҳам бор. Шундай экан, Қонунимиз бошқа қонунлар сингари, балки ундан ҳам кучлироқ мавқега эга бўлиши. Ўзбекистонда яшайдиган барча учун баб-баравар ута муҳим ва катта кучга, улуғвор мавқега эга бўлмоғи даркор.

Ўрни келганда яна бир нарсани айтишга жазм қилдим: Китоб ўқимайдиган одамни мажбурлаб ўқитиб бўлмайди, менимча. Ўқийдиган одам ҳеч вақт китобсиз юрмайди, китоб ўқимасдан тура олмайди ҳам. Китоб ўқигани учун «Малибу», олиб берсангиз, шу кундан эътиборан китоб ўқишни бутунлай йиғиштиради, бутун ўй-хаёли машина билан бўлади-қўяди. Шу сабабдан китоб ўқийдиганларни рағбатланти-

ришнинг бошқа усулини уйлаб топиш лозим бўлади...» Бунга ўхшаш гапларни ҳар ким ҳам гапиравермайди. Гапириш учун одамда отнинг калласидек юрак бўлиши керак.

Гапираман, деса гап кўп...

Булар тилшунос Ёрмат Тожиевнинг армонлари бўлиб қолди. Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, мана энди орамизда акам ҳам йўқ!

Инсон боласи бу дунёга бир марта келади. Ягона нарсаларнинг қадри эса, ҳар доим юксак бўлади.

Ёрмат ака Аллоҳ томонидан ато этилган ҳаётнинг қадрига етишда, уни авайлашда, умр деган бир марталик неъматни муносиб тарзда ўзгаларга ўртак бўладиган даражада яшаб ўтди, деб бемалол айта оламан.

Умрининг сўнгги кунларигача бутун ҳаётини, илмини ёшларга илму-маърифат беришга сарф қилган олимнинг бирон марта биров билан баҳслашганини кўрмаганман. Ораси-ра бўлиб турадиган тортишувлар ҳам чуқурлашмас, бу нарса ҳатто кейин ўртадаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлиб қоларди.

Доимо энг биринчи бўлиб ёрдамга мухтож одамга савоб учун эмас, ёрдамга мухтож бўлгани учун кўмак берган. Аллоҳдан эсон-омонлик тилаган, ҳаттоки эшигига келган биронта тиланчини ҳам қуруқ қайтармаган. Ҳамиша кимгадир яхшилик қилишга интилардилар.

Шогирдларига бирор марта қаттиқ гапирмаган. Керакли маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари ёки тавсиялари билан кўнглини тоғдай кўтариб, яхши тилаклар билдириши одат тусига кирганди. Бирор бир шогирди йўқки, унинг кўнглини оғритган бўлса? Аксинча, янгича ўй-фикрлар, янгича илмий ўналишлар билан бойиб, кўнгли ёришиб, келажакка умид билан чиқиб кетишарди.

Бирор муаммоли масала юзасидан акамга мурожаат қиладиган бўлса, акам раҳматлик (Аллоҳ рози, охиратлари обод бўлсин) аввал гапларини охирига қадар кўзларини юмган

холда жим туриб, (тикилиб турсам, диққати бўлинмасин, деб уйласалар керак-да) диққат билан тинглардилар. Кейин бироз уйлаб туриб, тин олгач, фикрларини айтардилар:

– Авваламбор, бу масала пухта уйланмай қилинибди. Бўлган иш бўпти. Энди уни орқага қайтариб бўлмайди. Шунинг учун энди бу масалани менимча, мана бундок ҳал қилса бўлади. Шундан сўнг, масалани ечимини топишнинг уч-тўрт хил усулларини (йўлларини) айтардилар. Буларнинг ичида энг муҳими охирини уйлаб, осон йўл билан ҳал этишни маслаҳат берардилар.

Фақат ака-ука, опа-сингилларгагина эмас, уйлашимча, қайсидир масалада мурожаат қилган ҳар қандай одамга – ҳоҳ у катта ёки кичик бўлсин, ҳоҳ қари, ҳоҳ ёш бўлсин, ана шундай бирдай маслаҳатгўй эдилар. Ҳеч бир кимса билан овозини кўтариб гаплашган эмасдилар, ҳеч ким билан «сан-ман»га бормаганлар. Ўзларини босиб, огирлик ва юмшоқлик билан ҳар қандай масалани ҳал эта олардилар. Бундай огир-босиқлик, хушмомалалик ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ҳатто талаба-ёшлару шогирдларини ҳам ўзига яқин олиб, худди ака-укадек муносабатда булар эдилар.

Устоз ҳар гапини, фикрини, ҳаттоки сўзини ҳам минг уйлаб ишлатардики, айтилган фикри мўлжалга аниқ тегарди.

Домланинг инсоний фазилатларига доир яна бир хислатлари туғрисида тўхталмоқчиман. Бу – дўстликни қадрлаш, ардоқлаш масаласи. Дўстликнинг қадрига етиш, ҳаёт бўлган дўстлари билан доимо қуришиб туриш, ёруғ оламдан кўз юмган дўстларининг оила аъзолари ҳолидан хабар олиб туриш, дўстининг хотирасини эъзозлаш, фарзандларига қулдан келган ёрдамни бериш Ёрмат Тожиев хислатининг узгармас одатига айланган эди. Шунингдек, у ўта маънавиятли инсон эди. Маънавият эса одамнинг руҳий ва ақлий оламини белгилайди. Тилимизда «Баъмани одам» деган ибора бор. Ёрмат Тожиев ана шундай инсонлар сирасига киради. Бу иборага лойиқ қурилиш улуг бахтдир. Шу билан бирга илмли инсон

эди. Илм – инсонга яхшилик билан ёмонликни ажратиш имконини беради, руҳни соғломлаштиради ва мустаҳкамлайди. Шу боисдан ҳам ҳар бир одам яхши мақсад билан яшаса ўзига ҳам, бошқаларга ҳам яхшилик келтиради.

Ҳап келиб қолди: Ҳеч кимдан маслаҳатини аямасдилар, барчага бирдек муомалада бўлардилар. Шу боисдан ҳам шогирду талабалар ўз устозларини яхши кўрар ва ҳурмат қилардилар. Унинг ҳаёт йўли ўзаро меҳр-оқибат, инсонийлик каби туйғуларни кучайтириш учун хизмат қилади, деган умидданман.

Бугун осмон ёрик, тонг хафа... Бор дунёнинг ковоғи солиқ. Қани менинг ҳу-у кўришиб турадиган буюк тоғларим?! Мен суянган тоғларим?..

Замоннинг зайли шу, биродарларим!.. Танамиз кийган Ҳаёт отлиғ либос ҳечам ўзимизники эмас. Бугунми-эртами «счиб» олинади.

Инсон боласи бу ҳаётга бир марта келади. Ягона нарсанинг қадри эса ҳар доим юксак бўлган. «Бўшашма, бўшашганини ҳаёт суймайди!...»

Фанга интилиш, ҳаётини илмга бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бундай фидойи инсонларга эҳтиром билдириш барчамизнинг одамийлик бурчимиздир.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,
филология фанлари номзоди, доцент